

ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

“ 13 ” апрел 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (бундан буён матнда **Буюртмачи** деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги Низом асосида иш юритувчи вазирнинг биринчи ўринбосари У. Шарифходжаев шахсида, бир томондан ва “**CREDO PRINT GROUP**” **масъулияти чекланган жамияти**, (бундан буён матнда Ижрочи деб юритилади) Устав асосида иш юритувчи директор Р.М. Раёмов шахсида, иккинчи томондан (бундан буён матнда алоҳида қўлланганда Томон ва биргаликда қўлланганда Томонлар деб юритилади) мазкур шарт номани тендер комиссиясининг 2022 йил 6 апрелдаги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни харид қилишда ўтказилган йиғилиш баёнига мувофиқ куйидагилар ҳақида тузишди:

I. Шартноманинг предмети

1.1. Ижрочи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ умумтаълим муассасалари учун мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган дарсликлар, дафтарлар ва ўқув методик қўлланмалар (бундан буён матнда **дарсликлар** деб юритилади)ни шартноманинг шартлари асосида чоп этиш хизматларини кўрсатиш (бундан буён матнда **чоп этиш** деб юритилади) мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Ижрочининг ҳисоб-рақамига бажарилган ишлар учун мазкур шартнома шартларига мувофиқ маблағни ўтказиб бериш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартномага асосан Ижрочи шартноманинг иловасида келтирилган дарсликларнинг техник тафсилотларига мувофиқ куйидаги дарсликларни чоп этади:

Т/р	Дарсликларнинг номи	Син-фи	Таълим тили	Адади	Бир донасининг нархи ҚҚС билан	Умумий суммаси ҚҚС билан
1	Тасвирий санъат (машқ дафтари)	2	ўзбек-қардош	529 658	7 500	3 972 435 000,0
2	Тасвирий санъат (машқ дафтари)	2	рус	73 619	5000	368 095 000,0
3	Тасвирий санъат (машқ дафтари)	2	қорақалпоқ	11 512	7 800	89 793 600,0
4	Муסיқа (машқ дафтари)	2	ўзбек-қардош	529 658	4 700	2 489 392 600,0
5	Муסיқа (машқ дафтари)	2	рус	73 619	4 800	353 371 200,0
6	Муסיқа (машқ дафтари)	2	қорақалпоқ	11 512	4 800	55 257 600,0
жами:				1 229 578		7 328 345 000,0

II. Шартноманинг умумий суммаси ва тўлов шартлари

2.1. Мазкур шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 7 328 345 000,0 (етти миллиард уч юз йигирма саккиз миллион уч юз қирқ беш минг сўм 00 тийин) сўмга тенг (бундан буён матнда **шартнома суммаси** деб юритилади).

2.2. Шартнома суммаси дарсликларни чоп этиш (оригинал макетдан тайёр маҳсулот - дарслик ҳолатига келтириш) харажатларини ўз ичига олади.

2.3. Буюртмачи шартнома кучга кирган вақтдан бошлаб 30 (ўттиз) календар кун мобайнида ижрочининг банк ҳисоб рақамига шартнома суммасининг 50 (эллик) фоиз миқдорини олдиндан тўлаб бериши лозим.

2.4. Шартнома суммасининг қолган қисмини дарсликларни етказиб берувчи ташкилот томонидан мазкур дарсликларни ижрочининг омборидан олиб чиқиб кетгандан сўнг, тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳамда топшириш ва қабул қилиш далолатномаларига асосан, аванс тўловларини чегириб қолган ҳолда, 90 (тўқсон) календар кун ичида буюртмачи томонидан ижрочига тўлаб берилади.

2.5. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида Ижрочи томонидан Буюртмачининг шахсий ғазначилик ҳисобварағига банк кафолати ёки пул маблағлари кўринишида шартнома суммасининг 1 (бир) фоиз миқдорда мажбуриятни бажарилишини таъминлаши шарт.

2.6. Ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажармаганда, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

III. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Ижрочининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

3.1.1. Буюртмачидан техник тафсилотларни ўз вақтида олиш, улар юзасидан аниқлаштирувчи маълумотларни сўраб олиш;

3.1.2. Бажарилган ишлар учун ўз вақтида тўловни амалга оширилишини талаб қилиш;

3.1.3. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун буюртмачини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортишни талаб қилиш.

3.1.4. Ижрочи буюртмачи мурожаати ёки бозор иштирокчилари талабларига биноан мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига қўшимча равишда 10% гача миқдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш ҳуқуқига эга.

3.2. Ижрочининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

3.2.1. Дарсликларни мазкур шартноманинг иловаси билан тасдиқланган дарсликларнинг техник тафсилотлари асосида чоп этиш (ижрочи ўзи мустақил равишда шартномада белгиланган ададдан ортиқча чоп этиши тақиқланади);

Бунда, ижрочи оригинал макетларни ўрнатилган тартибда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 108-сон қарорларига мувофиқ оригинал макетларни тайёрлашга ваколатли бўлган Республика таълим марказидан ишчи (исходный) файлларини электрон шаклда) олган ҳолда чоп этишга рухсат олиш учун Буюртмачига дарсликларнинг 3 (уч) та рангли сигнал нусхасини тасдиқланган ҳолда топшириш;

(Изоҳ: Тасдиқлаш – нашрга тайёр бўлган дарсликларнинг оригинал ва таржима макетларини муаллиф(лар), муҳаррир (бош муҳаррир), мусахҳих, таржимон, бадиий муҳаррир, бош расом-дизайнер, техник-муҳаррир, Республика таълим маркази директори ва унинг ўринбосарлари, Республика таълим марказининг нашр ишлари бўйича бўлим бошлиғи, тегишли бўлим бошлиқлари ва методист-мутахассислари, экспертлар ҳамда ижрочининг раҳбарлари ва тегишли масъул ходимлари томонидан кўриб чиқилиб, имзолари қўйилган ҳолда тасдиқланиб, чоп этиш учун буюртмачига тақдим этиши.

Ушбу тартибда тасдиқланмаган дарсликларни чоп этиши мумкин эмас. Томонлар ўз мутахассисларининг имзоларини қўйилишини таъминлайди.)

3.2.2. Дарсликлар учун ишлатиладиган қоғоз ва бошқа хом-ашёларининг сифати ва унинг дизайни амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ва меъёрларига жавоб беришини таъминлаш;

3.2.3. Дарсликларни белгиланган (мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган) муддат(лар)да тўлиқ чоп этиш.

3.2.4. Дарсликлар матбаа сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини тегишли барча маълумотлар билан таъминлаш ва текшириш ўтказишда қатнашиш учун ўз вакилини тайинлаш;

3.2.5. Мазкур шартномага мувофиқ дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳи томонидан камчиликлари аниқланган дарсликларни шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотларга тўлиқ жавоб берадиган сифатдаги дарсликларга 15 (ўн беш) иш куни ичида алмаштириш;

3.2.6. Буюртмачи томонидан текширишда аниқланган хато ва камчиликларни тўлиқ тузатиши лозим. Дарсликлардаги аниқланган хато ва камчиликлар тузатилмасдан чоп этилганда, жавобгарлик ижрочи зиммасига юклатилади.

IV. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

4.1.1. Шартномани амал қилиш муддатида ижрочидан дарсликларни чоп этиш жараёни ҳақида маълумотлар олиш;

4.1.2. Ўз вакиллари орқали ижрочининг фаолиятига аралашмаган ҳолда амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, чоп этиш жараёнида маҳсулот қисмларининг тайёрланиши бўйича матбаа сифатини назорат қилиш, бу жараёнда камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, ушбу камчилик ва нуқсонларни тузатиш (бартараф этиш) бўйича ижрочини ёзма равишда огоҳлантириш;

4.1.3. Ўрнатилган сифат ва техник талабларга мос келмаган дарсликларни қабул қилмаслик, уларни шартномада белгиланган талабларга мувофиқ дарсликларга алмаштиришни талаб қилиш;

4.1.4. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун ижрочини ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиш.

4.1.5. Буюртмачи Республика бўйича ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан дарсликларни эркин сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида Ижрочига мазкур шартномада кўрсатилган дарсликларнинг умумий ададига кўшимча равишда 10% гача миқдорда ўз ҳисобидан чоп этиши ва бозор нархларида сотиш юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

4.2.1. Ижрочи томонидан тасдиқлаш учун топширилган дарсликларнинг сигнал намунасини 5 (беш) иш куни мобайнида кўриб чиқиб, ўз фикрини билдириш дарсликларни чоп этишга рухсат бериш ёки тегишли ўзгартиришларни киритишни таклиф этиш);

4.2.2. Ижрочининг ёзма хабарномаси ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази экспертининг шартномада белгиланган дарсликнинг санитария-гигиена талабларига жавоб бериши тўғрисида ижобий хулосани олган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини тайёр дарсликлар сифатини текшириш учун юбориш;

4.2.3. Дарсликлар тайёр эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (дарсликлар сифатини текшириш эксперт гуруҳининг далолатномаси ва ижобий хулосасини) олган кундан бошлаб, 10 (ўн) иш куни ичида ижрочи омборхонасидан олиб кетиш чораларини кўриш.

V. Тайёр дарсликларни текшириш, етказиб бериш тартиби ва муддати

5.1. Ижрочи шартномада кўрсатилган дарсликларни шартноманинг 2.3.-бандида кўрсатилган миқдорда олдиндан тўлаб берилгандан сўнг 60 календарь кун муддатда тайёрлаши шарт.

5.2. Дарсликлар жўнатишга тайёр бўлганда ижрочи буюртмачига тайёр дарсликлар ҳақида тўлиқ ёзма маълумот юбориши ва унда дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) аниқ кўрсатилиши шарт. Мазкур ёзма маълумот шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган

муддатда, лекин ушбу муддатлар тугашидан камида 3 (уч) иш куни олдин юборилиши шарт.

5.3. Ижрочидан ёзма маълумот олинганидан сўнг, буюртмачи дарсликлар сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳини (кейинги ўринларда эксперт гуруҳи деб аталади) дарсликларни мазкур шартнома шартларига мослигини текшириш учун юборади.

5.4. Текшириш ижрочи корхонаси ёки омбурида ва охириги етказиб берилиши лозим бўлган жойда амалга оширилади.

5.5. Дарсликлар матбаа ижроси талабларига мослиги, уларнинг сифатини текшириш бўйича эксперт гуруҳи томонидан дарсликларнинг мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар (техник, дизайн ва спецификация талаблари)га мослиги ҳамда матбаа сифати (босма ва муқовалаш) жиҳатдан буюртмачи томонидан қўйилган талабларга жавоб бериш-бермаслигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 июндаги “Таълим муассасалари учун хавфсиз полиграфия маҳсулотлари ҳақидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисида”ги 146-сон қарорига мувофиқ танлаб олиш усули билан текширилади. Танлаб олиш ҳажми, қабул қилишга ва яроқсизликка (браковкага) оид сонлар мазкур қарор бўйича аниқланади.

5.6. Эксперт гуруҳининг 5.5. бандда назарда тутилган текширишлар натижаси эксперт гуруҳининг маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Далолатномада дарсликларнинг техник тафсилотлари, сифати ва сонига қўйилган талабларга мувофиқлиги акс эттирилади.

5.7. Маҳсулот сифати ва сонини текшириш далолатномасида мазкур шартномада белгиланган техник тафсилотлар, стандарт талабларига мувофиқ эмаслиги, шунингдек бошқа камчиликлар қайд этилганда эксперт гуруҳи ўз хулосасини мазкур далолатномада акс эттиради.

5.8. Эксперт гуруҳи хулосасига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 146-сон қарори талаблари ҳамда шартноманинг иловасида келтирилган техник тафсилотлар га жавоб бермаган, ижрочи айби билан йўл қўйилган техник, матбаа сифатига доир хато ва нуқсонлар мавжуд бўлган дарсликлар буюртмачи томонидан қабул қилинмайди ва партия қайтарилади.

VI. Дарсликларни қабул қилиш тартиби ва дарсликларга

бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) ҳуқуқларининг буюртмачига ўтиши

6.1. Дарсликларни қабул қилиш жойлардаги умумтаълим муассасаларида ўрнатилган тартибда тузилган дарсликларни қабул қилиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

6.2. Қабул қилиш комиссияси дарсликларда матбаа сифати орфографик, пунктуацион, грамматик, стилистик хатолари бўйича камчилик ва нуқсонлар бўлмаган тақдирда, 3 (уч) кун муддат ичида сифатли дарсликларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан қабул қилиши лозим.

6.3. Дарсликларга бўлган мутлақ муаллифлик (ноширлик) ҳуқуқлари буюртмачига ўрнатилган тартибда ўтади.

VII. Бутлаш (упаковка) ва тегишли ҳужжатлар тақдим этиш

7.1. Ижрочи дарсликларни бутлашда мазкур шартномада кўрсатилган бутлаш шартларига тўлиқ амал қилиши шарт. Дарсликларни бутлаш иши амалдаги стандарт талабларга мувофиқ ҳолда бўлиб, уни жойларга етказиш жараёнида (ортиш, тушириш, ташиш) бутланган дарсликлар титилиб кетмаслиги керак. Дарсликлар солинган ўрамларнинг ҳажми ва оғирлиги ташиш ва кўтаришга қулай бўлиши лозим.

7.2. Ҳар бир ўрамнинг устки қисмида дарсликларнинг номи, адади, таълим тили, синфи, шартнома рақами, партия (завод) рақами, 1 дона дарсликнинг оғирлиги (граммда) тўғрисидаги маълумотлар бўлиши шарт.

VIII. Кафолатлар

8.1. Ижрочи шартномага мувофиқ етказиб бераётган дарсликлар амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда дарсликларнинг техник тафсилотларида келтирилган барча талабларга тўлиқ жавоб беришини кафолатлайди.

8.2. Дарсликлар сифатига бериладиган кафолат муддати умумтаълим муассасасининг ўқувчилари мазкур дарсликлардан фойдаланишни бошлаган санадан 60 (олтмиш) календарь кун давомида амал қилади.

8.3. Буюртмачи кафолат муддати даврида дарсликлардан хато-камчиликлар ёки нуқсонларни топса ижрочига ёзма хабар беради.

8.4. Ижрочи буюртмачининг ёзма хабарномасини олгач, 30 (ўттиз) календарь кун ичида нуқсони бор бўлган дарсликларни ўз ҳисобидан бошқа худди шундай дарсликларга алмаштиради ва шу ишлар билан боғлиқ бўлган барча харажатлар (дарсликларни “Транспорт ва логистика хизмати” ДУКнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар филиалларига қадар етказиш ва нуқсони бор бўлган дарсликларни улардан қайтариб олиб келиш)ни ўз ҳисобидан қоплайди.

IX. Форс-мажор ҳолатлари

9.1. Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигига форс-мажор ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари - томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик, ёнғин, сув тошқини, эпидемия, карантин ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, фуқаро тартибсизликлари, эмбарго ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар) сабаб бўлса жавобгарликдан озод қилинадилар.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари пайдо бўлса томонлар бир-бирларини ўз вақтида ёзма равишда ушбу ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида форс-мажор ҳолатлар пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кун ичида огоҳ қилишлари шарт. Томонлар бир-бирларига ёзма хабарнома юбориб, шартнома шартларини бажаришнинг бошқа усулларини қидириб, форс-мажор ҳолати тўсқинлик қилмаётган мажбуриятларни бажаришда давом этадилар.

X. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

10.1. Томонлар шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайдилар:

- - қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- - шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- - моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Томонлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва томонлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатлари содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Томонлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қуйидаги ҳаракатлари бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

- - назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа турдаги устунликка эга

болиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

• - қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад эканлиги томонларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга;

• - коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун тамагирлик қилиш, ундаш, тазйиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир томон иккинчи томонни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

10.4. Томонлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

10.5. Агар бир томонга бошқа томоннинг коррупцияга қарши қўшимча шартларга оид белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи томонни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши, шунингдек ушбу томондан маълум муддат ичида тегишли чоралар кўрилиши ва амалга оширилган ишлар юзасидан уни хабардор этишини талаб қилиши шарт. Томоннинг бу талаби иккинчи томон томонидан бажарилмаган тақдирда, ушбу томон шартномани бир томонлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XI. Эътирозлар ва томонларнинг мулкий жавобгарлиги

11.1. Буюртмачи мазкур шартномада кўрсатилган ижрочининг мажбуриятлари ва кафолатларига тегишли бўлган ҳар қандай эътирозларни ижрочига ёзма равишда бериши керак.

11.2. Агар ижрочи дарсликларнинг талабга жавоб бермаслиги ҳақидаги хабарномани олгандан сўнг уни бошқаси билан алмаштиришни ўз вақтида амалга оширмаса, буюртмачи ижрочини ўрнатилган тартибда мулкий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга.

11.3. Ижрочи мазкур шартноманинг 5.1.-бандида кўрсатилган муддатларда чоп эта олмаса ҳар бир кечиктирилган кун учун чоп этилмаган дарсликлар қийматидан 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоиз миқдорида буюртмачига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси чоп этиб берилмаган дарсликлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

11.4. Буюртмачи чоп этиб берилган китоблар учун ўз вақтида тўловни амалга оширмаган ҳолларда ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 (ноль бутун ўндан тўрт) фоизи, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 (эллик) фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

11.5. Ижрочи дарсликларда мазкур шартноманинг 3.2-бандида белгиланган талабларнинг биронтасини бузилишига йўл қўйса, шу хатоларни тузатишга кетадиган харажат қийматини тўлиқ қоплайди ва буюртмачи ижрочидан етказилган зарарнинг 20 фоизигача жарима ундириб олишга, агар дарсликлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

11.6. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига асосан тартибга солинади.

XII. Шартномани бекор қилиш

12.1. Шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки бекор қилиш фақат томонларнинг ўзаро келишувига асосан ёзма шаклда амалга оширилади.

12.2. Қуйидаги ҳолатларда томонлар ўз мажбуриятларини қўпол равишда бузган ҳисобланади:

12.2.1. Мажбуриятларининг бажарилишини мазкур шартномада белгиланган муддатлардан кечиктирган ҳолда бажарса;

12.2.2. Томонлар ёки томон ўзининг мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларидан бирортасини бажара олмаса.

12.2.3. Шартноманинг 10.5.-бандида кўрсатилган шартлар бузилса шартнома бекор қилинади.

12.3. Агар ижрочи банкротликка юз тутса, буюртмачи исталган вақтда ижрочига ёзма хабар бериш орқали шартномани бекор қилиши мумкин ва ушбу ҳолатда буюртмачи ижрочининг кўрган зиёнини тўламайди.

XIII. Низоларни ҳал қилиш тартиби

13.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар, энг аввало, томонларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

13.2. Агар ўзаро тушунмовчиликлар бошланган бўлиб, масаланинг ечими топилмаса, буюртмачи ёки ижрочи Ўзбекистон Республикаси қонунларидан келиб чиқиб, Иқтисодий судга мурожаат этишга ҳақли бўлади.

XIV. Яқуний қоидалар

14.1. Мазкур шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш фақатгина томонларнинг розилиги билан уларнинг тегишли ваколатли шахслари қўшимча келишувга имзо қўйган тақдирдагина мумкин бўлади.

14.2. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари имзолаган, Молия вазирлиги газначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

14.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, ҳар иккаласи бир хил юридик кучга эга.

XV. Шартномага илова ҳужжатлар

15.1. Мазкур шартномага илова этилган ҳужжатлар унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15.2. Шартномага дарсликларнинг техник тафсилотлари илова этилади.

XVI. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари

Буюртмачи:

**Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги**

100017. Тошкент ш., Навоий кўчаси, 2а-уй.
Молия вазирлиги Газначилиги
х/р 23 402 000 300 100 001 010
ХККМ Марказий банк Бош бошқармаси
МФО: 00014 ИНН: 201 122 919
ш/хр **3004 10 860 26 277 7096 414 218 001**
ИНН: 201 122 808

Вазирнинг
биринчи
ўринбосари


У. Шарифходжаев

Ижрочи:

**“CREDO PRINT GROUP”
масъулияти чекланган жамияти**

Тошкент ш., Боғишамол кўчаси, 160-уй
х/р: **2020 8000 6042 8579 6001**
ОПЕРУ АКБ «КАПИТАЛБАНК»
МФО: 00974. ИНН: 204 695 568
Код ОКЭД: 18120
Тел.: 234-44-01

Директор Р. Раёмов



юрмет
Ширах.Мегов.М.

